

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

20-сон
(1040)
2022 йил
май

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

179. «Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 16 майдаги ЎРҚ-769-сон Қонуни
180. «Ўзбекистон Республикасида тиббий-ижтимоий хизматлар тизими тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 17 майдаги ЎРҚ-770-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

181. «Тиббиёт муассасалари ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекис-

тон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 майдаги ПФ-136-сон Фармони

182. «Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 майдаги ПҚ-244-сон қарори

Бешинчи бўлим

183. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2022 йил 11 майдаги 11-сон «Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 18 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2649-7*)
184. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2022 йил 20 апрелдаги 17-тб-сон ««2022 йил учун статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 19 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3334-1*)
185. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги директорининг 2022 йил 21 апрелдаги 3-2022-сон «Кадастр йиғмажилдининг муқоваси ва таркибидаги электрон ахборот тизимида шаклланадиган маълумотларнинг намунавий жадваллари, қайдномалари ва бланкалари шакллари тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 20 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3369*)
186. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2022 йил 30 апрелдаги 01/11-08/17-сон «Давлатнинг ишончли вакиллари аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 20 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2610-2*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ****179 «Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2021 йил 28 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 28 апрелда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 январда қабул қилинган ЎРҚ–461-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 2-илова, № 7, 433-модда; № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261, 266-моддалар, № 9, 592-модда, № 10, 671-модда, № 11, 791-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, № 1, 10-модда, 4-сонга илова, № 8, 803-модда, № 9, 903-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **20-модданинг 2-бандидаги** «ҳакамлик суди судьяси» деган сўзлар «ҳакамлик суди судьяси, арбитраж» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **25-модда:**

биринчи қисми қуйидаги мазмундаги **4¹-банд** билан тўлдирилсин:

«4¹) арбитраж муҳокамаси билан боғлиқ ишлар»;

еттинчи қисми «биринчи қисмининг» деган сўзлардан кейин «4¹» рақами билан тўлдирилсин;

3) қуйидаги мазмундаги **28¹-модда** билан тўлдирилсин:

«28¹-модда. Арбитраж муҳокамаси билан боғлиқ ишлар

Арбитраж муҳокамаси билан боғлиқ ишлар жумласига «Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда назарда тутилган қуйидаги аризалар бўйича ишлар киради:

1) арбитражни тайинлаш тўғрисидаги;

2) арбитражни рад этишни қаноатлантириш ҳақидаги;

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 17 майда эълон қилинган.

3) арбитр ваколатларининг амал қилишини тугатиш хусусида қарор қабул қилиш тўғрисидаги;

4) арбитраж судининг юрисдикцияси масаласи юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳақидаги;

5) таъминлаш чораларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги;

6) таъминлаш чораларини кўриш ҳақидаги;

7) далилларни олишга кўмаклашиш тўғрисидаги;

8) арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳақидаги;

9) арбитражнинг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги.

Ушбу модданинг биринчи қисмида санаб ўтилган ишлар иқтисодий судлар томонидан иқтисодий суд ишларини юритишнинг умумий қоидалари бўйича ушбу Кодекснинг 29¹-бобида кўрсатилган ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда кўриб чиқилади.

Ушбу модда биринчи қисмининг 1 — 4, 7 ва 8-бандларида санаб ўтилган ишлар иқтисодий судлар томонидан фақат, агар арбитраж жойи Ўзбекистон Республикасида жойлашган бўлса, кўриб чиқилади»;

4) 32-модданинг иккинчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«арбитраж муҳокамаси билан боғлиқ ишларни»;

учинчи хатбошиси тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

5) 37-модда:

қуйидаги мазмундаги **бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Арбитрни тайинлаш, арбитрни рад этишни қаноатлантириш, арбитр ваколатларининг амал қилишини тугатиш хусусида қарор қабул қилиш, арбитраж судининг юрисдикцияси масаласи юзасидан қарорлар қабул қилиш, далилларни олишга кўмаклашиш, шунингдек арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза арбитраж жойлашган ердаги иқтисодий судга берилади.

Таъминлаш чораларини тан олиш ва ижрога қаратиш, арбитраж суида кўрилаётган даъвони таъминлаш чораларини кўриш тўғрисидаги ариза арбитраж жойлашган ердаги ёки қарздор давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги ёхуд, агар қарздор давлат рўйхатидан ўтказилган жой номаълум бўлса, унинг мол-мулки турган жойдаги иқтисодий судга берилади»;

бешинчи ва **олтинчи қисмлари** тегишинча **еттинчи** ва **саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

6) 53-модданинг иккинчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«арбитрлар, арбитраж таркиби томонидан тайинланган экспертлар, арбитраж муассасасининг ходимлари, ҳакамлик судьялари — арбитраж ёки ҳакамлик муҳокамаси давомида ўзларига маълум бўлиб қолган ҳолатлар тўғрисида»;

учинчи хатбошиси тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

7) **93-модда** қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Арбитраж судида кўрилаётган даъвои таъминлаш чоралари арбитраж муҳокамаси тарафининг аризасига кўра иқтисодий суд томонидан кўрилиши мумкин»;

8) **99-модда:**

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Даъво талабларини қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги арбитражнинг ҳал қилув қарори таъминлаш чораларини иқтисодий суд томонидан бекор қилиш учун асос бўлади»;

саккизинчи қисми тўққизинчи қисм деб ҳисоблансин;

9) **107-модданинг:**

1-банди «ҳакамлик суди» деган сўзлардан кейин «арбитраж суди» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2) ишда иштирок этувчи шахсларнинг ушбу низони ҳакамлик судига ёки арбитражга кўриш учун топшириш тўғрисидаги келишуви мавжуд бўлиб, ҳакамлик судига ёки арбитражга мурожаат қилиш имконияти бой берилмаган бўлса ва, агар ишнинг иқтисодий судда кўрилишига қарши бўлган жавобгар ўзининг низонинг мазмуни бўйича биринчи аризасидан кечиктирмай низони ҳакамлик судининг ёки арбитражнинг ҳал қилувиغا ўтказиш тўғрисида илтимоснома берса»;

10) **110-модда** қуйидаги мазмундаги **3¹-банд** билан тўлдирилсин:

«3¹) айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан арбитражнинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлса, бундан иқтисодий суд арбитражнинг ҳал қилув қарорини тан олишни ва ижрога қаратишни рад этган ҳоллар мустасно»;

11) **154-модданинг биринчи қисми:**

3-банди «ҳакамлик судининг» деган сўзлардан кейин «арбитраж судининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **4¹-банд** билан тўлдирилсин:

«4¹) айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан арбитражнинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлса, бундан иқтисодий суд арбитражнинг ҳал қилув қарорини тан олишни ва ижрога қаратишни рад этган ҳоллар мустасно»;

қуйидаги мазмундаги **5¹-банд** билан тўлдирилсин:

«5¹) айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан арбитраж муҳокамасини тугатиш тўғрисида чиқарилган ажрим мавжуд бўлса, бундан арбитраж судида ушбу низони кўриб чиқиш ваколати мавжуд эмаслиги сабабли арбитраж муҳокамаси тугатилганлиги ҳолати мустасно»;

12) қуйидаги мазмундаги **29¹-боб** билан тўлдирилсин:

**«29¹-боб. Арбитраж муҳокамаси билан боғлиқ
ишларни юритиш**

**1-§. Арбитраж муҳокамасига кўмаклашиш билан
боғлиқ ишларни юритиш**

**232¹-модда. Арбитраж муҳокамасига кўмаклашиш билан боғ-
лиқ ишларни кўриб чиқишнинг умумий қоида-
лари**

Ушбу бобда белгиланган қоидалар арбитраж муҳокамаси тарафларининг арбитражни тайинлаш, арбитражни рад этишни қаноатлантириш, арбитраж ваколатларининг амал қилишини тугатиш хусусида қарор қабул қилиш, арбитраж судининг юрисдикцияси масаласи юзасидан қарорлар қабул қилиш, таъминлаш чораларини тан олиш ва ижрога қаратиш, таъминлаш чораларини кўриш, далилларни олишга кўмаклашиш тўғрисидаги аризалари иқтисодий суд томонидан кўриб чиқиладиганда қўлланилади.

232²-модда. Аризанинг шакли ва мазмуни

Ушбу Кодекснинг 232¹-моддасида кўрсатилган аризалар ёзма шаклда берилди ва арбитраж муҳокамасининг тарафи ёки унинг вакили томонидан имзоланиши керак, арбитраж суди томонидан далилларни олишга кўмаклашиш тўғрисида берилган ариза эса раислик қилувчи арбитраж томонидан имзоланиши керак.

Аризада қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

- 1) ариза берилган иқтисодий суднинг номи;
- 2) арбитраж судининг номи, арбитражнинг жойлашган ери ва таркиби;
- 3) арбитраж муҳокамаси тарафларининг номи (фамилияси, исми, отасининг исми), уларнинг жойлашган ери (почта манзили) ёки яшаш жойи;
- 4) талабга асос бўлган ҳолатлар;
- 5) талабнинг асосларини тасдиқловчи далиллар;
- 6) илова қилинган ҳужжатларнинг рўйхати.

Далилларни олишга кўмаклашиш тўғрисидаги аризада иш учун аҳамиятли бўлган қайси ҳолатлар ушбу далил билан аниқланиши мумкинлиги ҳам кўрсатилган бўлиши, далил белгиланиши ва унинг турган ери кўрсатилиши керак.

Аризада тарафларнинг телефонлари, факслари рақамлари, электрон манзили ва бошқа маълумотлари кўрсатилиши мумкин.

Агар ариза арбитраж муҳокамаси тарафининг вакили томонидан берилган бўлса, аризага вакилнинг аризани имзолашга бўлган ваколатини тасдиқловчи ишончнома илова қилинади.

Арбитражни тайинлаш, арбитражни рад этишни қаноатлантириш, арбитраж судининг юрисдикцияси масаласи юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳақидаги ариза «Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16, 18 ва 21-моддаларида кўрсатилган муддат ичида

берилиши мумкин. Кўрсатилган муддат иктисодий суд томонидан узрли деб топилган сабабларга кўра ўтказиб юборилган тақдирда, ўтказиб юборилган муддат тикланиши мумкин.

Ушбу Кодекснинг 232³-моддасида, ушбу модданинг биринчи, иккинчи, учинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган талабларга риоя этилмаган тақдирда, ариза ушбу Кодекснинг 155-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича аризага қайтарилади.

232³-модда. Аризага илова қилинадиган ҳужжатлар

Ушбу Кодекснинг 232¹-моддасида кўрсатилган аризаларга қуйидагилар илова қилинади:

1) арбитраж битимининг асл нусхаси ёки унинг тегишли тарзда тасдиқланган кўчирма нусхаси;

2) почта харажатлари белгиланган тартибда ва миқдорда тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

3) аризининг кўчирма нусхаси арбитраж муҳокамасининг бошқа тарафига топширилганлиги ҳақидаги хабарнома ёки хабарнома юборилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжат.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари аризага қуйидагилар илова қилинади:

1) арбитражни тайинлаш тўғрисидаги аризага — арбитраж судига даъво тақдим этилганлигининг далиллари; аризага (арбитраж муҳокамаси тарафлари) томонидан арбитраж тайинланганлиги ёхуд арбитражни тайинлаш тартиб-таомилига риоя этилмаганлиги далиллари;

2) арбитражни рад этишни қаноатлантириш ҳақидаги аризага — арбитраж судига даъво тақдим этилганлигининг далиллари; арбитражни рад этиш ҳақидаги илтимосномани кўриб чиқиш натижалари бўйича арбитраж суди ажримининг тасдиқланган кўчирма нусхаси. Доимий арбитраж муассасаси ажримининг кўчирма нусхаси ушбу арбитраж муассасасининг раҳбари томонидан тасдиқланади, муайян низони ҳал қилиш учун ташкил этилган арбитраж суди ажримининг кўчирма нусхасидаги арбитраж имзоси нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак;

3) арбитраж ваколатларининг амал қилишини тугатиш хусусида қарор қабул қилиш тўғрисидаги аризага — арбитраж судига даъво тақдим этилганлигининг далиллари; арбитраж ўз вазифаларини бажариши мумкин эмаслигини тасдиқловчи далил ёки арбитражнинг ўз вазифаларини амалга оширишга асоссиз равишда кечикишсиз киришмаганлигини тасдиқловчи далил;

4) арбитраж судининг юрисдикцияси масаласи юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳақидаги аризага — арбитраж судининг ўз юрисдикцияси ҳақидаги ажримининг тасдиқланган кўчирма нусхаси. Доимий арбитраж муассасаси ажримининг кўчирма нусхаси ушбу арбитраж муассасасининг раҳбари томонидан тасдиқланади, муайян низони ҳал қилиш учун ташкил этилган арбитраж суди ажримининг кўчирма нусхасидаги арбитраж имзоси нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак;

5) таъминлаш чораларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги

аризага — арбитраж судининг таъминлаш чоралари кўрилганлиги ҳақидаги ажримининг тасдиқланган кўчирма нусхаси. Доимий арбитраж муассасаси ажримининг кўчирма нусхаси ушбу арбитраж муассасасининг раҳбари томонидан тасдиқланади, муайян низони ҳал қилиш учун ташкил этилган арбитраж суди ажримининг кўчирма нусхасидаги арбитр имзоси нота-риал тартибда тасдиқланган бўлиши керак;

6) таъминлаш чораларини кўриш ҳақидаги аризага — арбитраж судига даъво тақдим этилганлигининг далиллари;

7) далилларни олишга кўмаклашиш тўғрисидаги аризага — арбитраж судининг иш юритувида низо мавжуд бўлиб, уни ҳал этиш учун далиллар зарурлиги ва бу далилларни олиш учун кўмаклашиш ҳақида ариза берилганлигининг далили.

Чет тилида тузилган ҳужжатларни иқтисодий судга тақдим этишда ушбу ҳужжатларга уларнинг давлат тилидаги ёки иқтисодий суд ишлари юритилаётган тилдаги тегишли тарзда тасдиқланган таржимаси қўшиб топширилиши керак.

232⁴-модда. Арбитраж муҳокамасига кўмаклашиш билан боғлиқ ишлар бўйича суд муҳокамаси

Таъминлаш чораларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги, таъминлаш чораларини кўриш ҳақидаги аризалар бўйича ишлар ариза келиб тушганидан кейинги кундан кечиктирмай кўриб чиқилади.

Арбитрни тайинлаш, арбитрни рад этишни қаноатлантириш, арбитр ваколатларининг амал қилишини тугатиш хусусида қарор қабул қилиш, арбитраж судининг юрисдикцияси масаласи юзасидан қарорлар қабул қилиш, далилларни олишга кўмаклашиш тўғрисидаги аризалар бўйича ишлар ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан эътиборан йигирма кун ичида кўриб чиқилади.

Арбитраж муҳокамасига кўмаклашиш билан боғлиқ ишлар иқтисодий суд ишларини юритишнинг умумий қоидалари бўйича мазкур бобда кўрсатилган ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда судья томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган ишларни кўриб чиқиш чоғида суд доимий арбитраж муассасаси арбитрларининг рўйхатига киририлган арбитрлар тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек иқтисодий суд томонидан кўриб чиқиладиган иш билан боғлиқ бўлган иш материалларини талаб қилиб олиши мумкин. Арбитраж муассасаси талаб қилиб олин-диган ҳужжатларни сўров қабул қилинганидан кейинги кундан кечиктирмай иқтисодий судга тақдим этиши шарт.

Иқтисодий суд ишларни кўриб чиқиш натижалари бўйича ажрим чиқаради.

Иқтисодий суднинг таъминлаш чораларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ҳамда таъминлаш чораларини кўриш ҳақидаги аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича чиқарилган ажрими устидан ушбу Кодексда белгиланган тартибда шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

2-§. Арбитражнинг ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни юритиш

232⁵-модда. Арбитражнинг ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш

Арбитраж муҳокамасининг тарафи арбитражнинг ҳал қилув қарори устидан иқтисодий судга арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризани бериш орқали шикоят қилиши мумкин.

Ишда иштирок этишга жалб этилмаган, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида арбитражнинг ҳал қилув қарори қабул қилинган шахслар ҳам арбитражнинг ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиши мумкин.

Арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ушбу аризани берган тараф арбитражнинг ҳал қилув қарорини олган санадан эътиборан, «Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида»ги Қонуннинг 49-моддасига мувофиқ илтимоснома берилган тақдирда эса ушбу илтимоснома бўйича арбитраж суди томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинган санадан эътиборан ёки ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида арбитражнинг ҳал қилув қарори қабул қилинган шахс арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризани бериш учун асос бўлган ҳолатларни билган ёки билиши керак бўлган санадан эътиборан уч ой ўтгач берилиши мумкин эмас.

Арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисида ариза келиб тушган тақдирда, иқтисодий суд арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳақидаги масала бўйича иш юритишни арбитраж судига арбитраж муҳокамасини тиклаш ёки арбитраж судининг фикрига кўра арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш асосларини бартараф этадиган бошқа ҳаракатларни бажариш имконини бериш учун ўзи белгиллаган муддатга, тегишли ҳолатда ва тарафлардан бирининг илтимосномасига кўра тўхтатиб туриши мумкин.

232⁶-модда. Арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризининг шакли ва мазмуни

Арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ёзма шаклда берилади ва арбитраж муҳокамасининг тарафи ёки ишда иштирок этишга жалб этилмаган, ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида арбитражнинг ҳал қилув қарори қабул қилинган шахслар ёки уларнинг вакили томонидан имзоланади.

Арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризада қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

- 1) ариза берилаётган иқтисодий суднинг номи;
- 2) арбитраж судининг номи, арбитражнинг жойи ва таркиби;
- 3) арбитраж муҳокамаси тарафларининг номи (фамилияси, исми, отасининг исми), уларнинг жойлашган ери (почта манзили) ёки яшаш жойи;
- 4) арбитражнинг ҳал қилув қарори қабул қилинган сана;
- 5) арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза

билан мурожаат этган тараф шикоят қилинаётган ҳал қилув қарорини олган сана;

б) арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги талаб ва ушбу қарор устидан қандай асослар бўйича шикоят қилинаётганлиги.

Арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризада тарафларнинг телефонлари, факслари рақамлари, электрон манзили ва бошқа маълумотлари кўрсатилиши мумкин.

Арбитраж муҳокамаси тарафининг арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризасига қуйидагилар илова қилинади:

1) арбитраж ҳал қилув қарорининг тасдиқланган кўчирма нусхаси. Доимий арбитраж муассасаси ҳал қилув қарорининг кўчирма нусхаси ушбу арбитраж муассасасининг раҳбари томонидан тасдиқланади, муайян низо-ни ҳал қилиш учун ташкил этилган арбитраж суди ҳал қилув қарорининг кўчирма нусхасидаги арбитр имзоси нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак;

2) арбитраж қилишувининг асл нусхаси ёки унинг тегишли тарзда тасдиқланган кўчирма нусхаси;

3) арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги талабни асослаш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар;

4) белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи ҳамда почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

5) арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризининг ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари арбитраж муҳокамасининг бошқа тарафига юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Чет тилида тузилган ҳужжатлар иқтисодий судга тақдим этилаётганда, ушбу ҳужжатларга уларнинг давлат тилидаги ёки иқтисодий суд ишлари юритилаётган тилдаги тегишли тарзда тасдиқланган таржимаси қўшиб топширилиши керак.

Ишда иштирок этишга жалб этилмаган, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида арбитражнинг ҳал қилув қарори қабул қилинган шахснинг арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризасига ушбу модда тўртинчи қисмининг 3, 4 ва 5-бандларида кўрсатилган ҳужжатлар илова қилинади.

Агар арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза арбитраж муҳокамаси тарафининг вакили ёки ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида арбитражнинг ҳал қилув қарори қабул қилинган шахснинг вакили томонидан берилган бўлса, аризага вакилнинг аризани имзолашга бўлган ваколатини тасдиқловчи ишонч-нома илова қилинади.

Ушбу Кодекс 232⁵-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган талабларга риоя этилмаган тақдирда, ушбу Кодекснинг 154-моддасида назарда тутилган қоидаларга кўра арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш рад этилиши лозим.

Ушбу Кодекс 37-моддасининг бешинчи қисмида, мазкур модданинг биринчи, иккинчи, тўртинчи — еттинчи қисмларида назарда тутилган талаб-

ларга риюя этилмаган тақдирда, арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ушбу Кодекснинг 155-моддасида назарда тутилган қоидаларга кўра аризачига қайтарилади.

232⁷-модда. Арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш

Арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ушбу Кодекснинг 28-бобида назарда тутилган қоидаларга биноан судья томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади.

232⁸-модда. Арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш асослари

Арбитражнинг ҳал қилув қарори, агар тараф ёки ишда иштирок этишга жалб этилмаган, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида арбитражнинг ҳал қилув қарори қабул қилинган шахс қуйидагиларни исботловчи далилларни тақдим этса, иқтисодий суд томонидан бекор қилиниши лозим:

1) арбитраж келишуви тарафлар ушбу келишувни қайси қонунчиликка бўйсундирган бўлса, ўша қонунчилик бўйича, бундай қонунчилик мавжуд бўлмаганда эса Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича ҳақиқий эмаслиги далилини;

2) «Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасида кўрсатилган арбитраж келишувининг тарафларидан бири қайсидир даражада муомалага лаёқатсиз эканлиги далилини;

3) тараф арбитраж тайинланганлиги ҳақида ёки арбитраж муҳокамаси тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмаганлиги ёки бошқа сабабларга кўра ўз вазларини тақдим эта олмаганлиги далилини;

4) арбитражнинг ҳал қилув қарори арбитражда ҳал қилиниши назарда тутилмаган ёки арбитражга мурожаат қилиш шартларига тўғри келмайдиган низо бўйича қабул қилинганлиги далилини ёки унда арбитраж келишувини қўллаш доирасидан четга чиқувчи масалалар бўйича қарор мавжудлиги далилини. Бунда, агар арбитражда кўриб чиқилиши лозим бўлган масалалар бўйича қарорларни арбитражга тегишли бўлмаган масаладан ажратиб олиш мумкин бўлса, у ҳолда арбитраж ҳал қилув қарорининг арбитражга тегишли бўлмаган масалалар бўйича қарори мавжуд бўлган қисмигина бекор қилиниши мумкин;

5) арбитраж судининг таркиби ёки арбитраж тартиб-таомили тарафларнинг келишувига мувофиқ эмаслиги далилини, агар фақат бундай келишув «Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг тарафлар чекиниши мумкин бўлмаган ҳар қандай қоидага зид бўлмаса ёки бундай келишув мавжуд бўлмаса, «Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ эмаслиги далилини.

Агар иқтисодий суд:

1) низо предмети Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига кўра арбитраж муҳокамасига тегишли эмаслигини;

2) арбитражнинг ҳал қилув қарори Ўзбекистон Республикасининг оммавий тартибига зидлигини аниқласа, арбитражнинг ҳал қилув қарори бекор қилиниши лозим.

232⁹-модда. Арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги иш бўйича ажрим

Иқтисодий суд арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича ушбу Кодексда ҳал қилув қарорини қабул қилиш учун назарда тутилган қоидаларга кўра ажрим чиқаради.

Иқтисодий суднинг арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ёки арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилишни рад этиш ҳақидаги ажримда қуйидагилар ҳам бўлиши керак:

1) арбитражнинг шикоят қилинаётган ҳал қилув қарори ва у қабул қилинган жой ҳақидаги маълумотлар;

2) шикоят қилинаётган ҳал қилув қарорини қабул қилган арбитражнинг номи ва таркиби ҳақидаги маълумотлар;

3) арбитраж муҳокамаси тарафларининг номи (фамилияси, исми, отасининг исми);

4) арбитражнинг ҳал қилув қарорини тўлиқ ёки қисман бекор қилишга ёхуд аризачининг талабини тўлиқ ёки қисман қаноатлантиришни рад этишга оид кўрсатма.

Арбитраж ҳал қилув қарорининг бекор қилинганлиги, агар арбитражга мурожаат этиш имконияти йўқолмаган бўлса, арбитраж муҳокамаси тарафларининг арбитраж келишувига мувофиқ арбитражга янгитдан мурожаат этиши ёки ушбу Кодексда назарда тутилган умумий қоидаларга кўра иқтисодий судга мурожаат этиши учун монелик қилмайди.

Агар арбитражнинг ҳал қилув қарори иқтисодий суд томонидан арбитраж келишуви ҳақиқий эмаслиги оқибатида ёки ҳал қилув қарори арбитраж келишувида назарда тутилмаган ёхуд унинг шартларига тўғри келмайдиган низо бўйича чиқарилганлиги ёки унда арбитраж келишувида қамраб олинмаган масалалар бўйича хулосалар мавжудлиги оқибатида тўлиқ ёки қисман бекор қилинган бўлса, арбитраж муҳокамасининг тарафлари бундай низо ҳал этиш учун ушбу Кодексда назарда тутилган умумий қоидаларга кўра иқтисодий судга мурожаат этиши мумкин.

Арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги иш бўйича иқтисодий суд ажрими устидан ушбу Кодексда белгиланган тартибда шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин»;

13) **248-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Арбитражнинг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш масалалари, агар арбитраж жойи Ўзбекистон Республикасида жойлашган бўлса, ушбу бобда назарда тутилган тартибда, «Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган ўзига хос хусусиятлар инобатга олинган ҳолда ҳал этилади»;

14) **334-модданинг иккинчи қисмидаги** «чет давлат судининг ёки арбитражининг» деган сўзлар «чет давлат судининг, арбитражнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган «**Давлат божи тўғрисида**»ги ЎРҚ–600-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 968-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **5-модданинг 2-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«2) иқтисодий судларга бериладиган даъво аризаларидан, ташкилотларни ва фуқароларни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризалардан, низо предметида нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахс сифатида ишга киришиш ҳақидаги аризалардан, иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқлари юзага келиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши учун аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги аризалардан, иқтисодий суднинг ҳал қилув қарорлари, иш юритишни тугатиш ҳақидаги, даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги, суд жарималарини солиш ҳақидаги ажримлар устидан бериладиган апелляция, кассация ва назорат шикоятларидан, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги, арбитражнинг ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш тўғрисидаги, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш ҳақидаги аризалардан, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги, арбитражнинг ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш тўғрисидаги, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш ҳақидаги ишлар бўйича иқтисодий суд ажримлари устидан бериладиган апелляция, кассация ва назорат шикоятларидан, чет давлат судининг, арбитражнинг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги аризалардан, чет давлат судининг, арбитражнинг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳақидаги ишлар бўйича суд ажримлари устидан бериладиган апелляция, кассация ва назорат шикоятларидан, шунингдек иқтисодий судлар томонидан ҳужжатларнинг дубликатларини ва кўчирма нусхаларини берганлик учун»;

2) **илованинг 2-банди:**

«**ж» кичик бандидаги** «ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги» деган сўзлардан кейин «арбитражнинг ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш тўғрисидаги» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

«**з» кичик бандининг русча матнидаги** «иностранных судов (арбитражей)» деган сўзлар «иностранных судов и арбитражей» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 16 май,
ЎРҚ-769-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

180 **Ўзбекистон Республикасида тиббий-ижтимоий хизматлар тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2022 йил 18 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 28 апрелда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги 223–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, № 4, 76-модда; 1992 йил, № 9, 363-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республи-

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 18 майда эълон қилинган.

каси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 330-модда; 2014 йил, № 12, 343-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **1-моддасининг иккинчи қисмидаги** «ногиронлар» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган «**Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида**»ги 425–ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 43-модда; 1993 йил, № 5, 236-модда; 1994 йил, № 11-12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 153-модда; 2010 йил, № 9, 337-модда; 2011 йил, № 4, 97-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 8, 470-модда, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 1-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **4-моддаси 3-бандининг 29-кичик бандидаги** «ногиронлар» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 14 январда қабул қилинган «**Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида**»ги 513–ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 4 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ–394-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 9, 340-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 7, 431-модда; 2020 йил, № 12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **3-модданинг иккинчи хатбошисидаги** «ногиронларнинг» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **4-модданинг тўққизинчи хатбошисидаги** «ногиронлар» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **6-модданинг:**

еттинчи хатбошисидаги «ногиронларнинг» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«ногиронлиги бўлган шахсларнинг ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахсларнинг паралимпия ҳамда сурдлимпия ўйинларида, ногиронлиги бўлган шахслар ўртасидаги махсус олимпиадалар ва бошқа спорт тадбирларида иштирок этишини ривожлантириш ҳамда таъминлашга кўмаклашиш»;

4) **31-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«31-модда. Мослаштирувчи жисмоний тарбия ва мослаштирувчи спорт. Ногиронлиги бўлган шахсларни ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахсларни жисмоний реабилитация қилиш

Мослаштирувчи жисмоний тарбия жисмоний тарбиянинг ногиронлиги бўлган шахсларни ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахсларни жисмоний реабилитация қилишнинг комплекс воситаларидан фойдаланувчи қисмидир.

Мослаштирувчи спорт ногиронлиги бўлган шахсларни ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахсларни жисмоний реабилитация қилишга ҳамда ижтимоий мослаштиришга қаратилгандир.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахсларнинг мослаштирувчи спортини ривожлантириш спорт билан шуғулланишнинг устуворлиги, оммалашуви ҳамда очиклиги принципларига асосланади.

Ногиронлиги бўлган шахсларни ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахсларни мослаштирувчи жисмоний тарбия ва мослаштирувчи спорт усулларидан фойдаланган ҳолда жисмоний реабилитация қилиш ҳамда ижтимоий мослаштириш жисмоний тарбия-спорт ташкилотларида, шу жумладан реабилитация марказларида, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жисмоний тарбия-спорт клубларида амалга оширилади.

Тегишли таълим муассасаларида таълим олаётган ногиронлиги бўлган шахслар ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахслар учун машғулотлар бундай таълим олувчиларнинг шахсий қобилиятлари ҳамда соғлиги ҳолати ҳисобга олинган, мослаштирувчи жисмоний тарбия ва мослаштирувчи спорт воситаларидан фойдаланилган ҳолда ташкил этилади.

Махсус ваколатли давлат органи маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари билан биргаликда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳамда жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахсларнинг жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари воситасида жисмоний тарбия, жисмоний камол топтириш ва жисмоний тайёргарлик тизимида уйғунлашувига кўмаклашади.

Махсус ваколатли давлат органи, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари, шунингдек ногиронлиги бўлган шахсларнинг жисмоний тарбия-спорт бирлашмалари ногиронлиги бўлган шахслар ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахслар иштирокида жисмоний тарбия ва спорт тадбирлари ўтказилишини ташкил этади, болалар-ўсмирлар спорт-мослаштирувчи мактабларини, мослаштирувчи болалар-ўсмирлар жисмоний тайёргарлик клубларини ташкил қилади».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «**Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида**»ги 839–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 22 сентябрда қабул

қилинган ЎРҚ–410-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 275-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 12, 880-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **14-модда иккинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «ногиронлар» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **23-модда учинчи қисмининг ўнинчи хатбошисидаги** «ногиронлар» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **24-модданинг биринчи қисмидаги** «ногиронларнинг» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **31-модда иккинчи қисмининг олтинчи хатбошисидаги** «тиббий-меҳнат эксперт комиссияси» деган сўзлар «тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган 873–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **«Соғлом авлод учун» ордени тўғрисидаги низом** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 6, 257-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 141-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 12, 880-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **3-моддасининг иккинчи қисмидаги** «ногирон ва етим болаларнинг» деган сўзлар «ногиронлиги бўлган болаларнинг ва етим болаларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган **«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»**-ги 938–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 112-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2002 йил, № 4-5, 74-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда; 2007 йил, № 12, 590, 608-моддалар; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334-модда, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 1, 4-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 12, 341-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383, 384-моддалар; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 10, 676-модда, № 12, 783-модда; 2019 йил, № 5, 265-модда, № 8, 469-модда, № 9, 592-модда, № 11, 792-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 11, 652-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 973-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **9-модданинг иккинчи қисмидаги** «ногирон» деган сўз «ногиронлиги бўлган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **12-модданинг:**

«з» **бандидаги** «ногирон» деган сўз «ногиронлиги бўлган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«к» **бандидаги** «ногирон болалар» деган сўзлар «ногиронлиги бўлган болалар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«м» **бандидаги** «қариялар, ногиронлар» деган сўзлар «қарияларга, ногиронлиги бўлган шахсларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **16-модданинг иккинчи қисмидаги** «тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари (ТМЭК)» деган сўзлар «тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **17-модданинг учинчи қисмидаги** «ногирон бўлиб қолган шахсларга» деган сўзлар «ногиронлиги бўлган шахс деб топилган фуқароларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **18-модданинг матнидаги** «ногиронларига» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **19-модда учинчи қисмининг «б» бандидаги** «ногирон» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахс» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **26-модданинг «б» бандидаги** «ногиронларига» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **27-модда биринчи қисмининг «б» бандидаги** «ногиронларига» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **28-модданинг:**

«г» **бандидаги** «ногиронларига» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«д» **бандидаги** «ногиронларига» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«е» **бандидаги** «ногиронларига» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **29-модда иккинчи қисмининг:**

учинчи хатбошисидаги «ногиронларига» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошисидаги «ногиронларига» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **37-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин: «Ногиронлиги бўлган шахс деб топилган фуқаролар стажига «д» — «и» бандларда назарда тутилган даврлар ушбу модданинг «а» — «г» бандларида кўрсатиб ўтилган стаж муддатидан қатъи назар қўшилади»;

12) **47-модда биринчи қисмининг «б» кичик банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) ногиронлик пенсияси — агар ногиронлик белгиланган кундан эътиборан олтмиш кундан кечиктирмай пенсия сўраб мурожаат этилган бўлса, тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари ногиронликни белгиланган кундан эътиборан тайинланади. Ушбу пенсия бутун ногиронлик даври учун тайинланади. Ногиронлиги бўлган 60 ёшдан ошган эркакларга ва 55 ёшдан

ошган аёлларга — ногиронлик пенсиялари умрбод тайинланади. Ушбу ногиронлиги бўлган шахсларни қайта тиббий кўрикдан ўтказиш фақат уларнинг аризасига биноан амалга оширилади»;

13) **55-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«55-модда. Ногиронлик даврида танаффуслар бўлганда пенсия тўлашни қайта тиклаш шартлари

Агар ногиронлиги бўлган шахс узрсиз сабабга кўра белгиланган муддатда қайта кўрикдан ўтиш учун тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясига бормаган бўлса, унга пенсия тўлаш тўхтатиб турилади, у яна ногиронлиги бўлган шахс деб тан олинган тақдирда эса тўхтатиб турилган кундан эътиборан, лекин кўпи билан бир ой олдин пенсияни тўлаш қайта тикланади.

Қайта кўрикдан ўтиш муддати узрли сабабга кўра ўтказиб юборилганда, агар тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси уни ана шу даврда ногиронлиги бўлган шахс деб топса, пенсия тўлаш тўлов тўхтатиб турилган кундан эътиборан то қайта кўрикдан ўтиш кунигача, лекин кўпи билан уч йил учун амалга оширилади. Бунда, агар ногиронлиги бўлган шахс қайта кўрикдан ўтказиш чоғида ногиронликнинг бошқа гуруҳига (юқори ёки паст гуруҳга) ўтказилган бўлса, пенсия кўрсатиб ўтилган вақт учун аввалги гуруҳ бўйича тўланади.

Агар умумий касаллик оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотган ногиронлиги бўлган шахсга меҳнат қобилияти тикланганлиги сабабли пенсия тўлаш тўхтатилган ёки у қайта кўрикдан ўтиш учун узрсиз сабабларга кўра келмаганлиги оқибатида тўхтатиб турилган бўлса, кейинчалик у яна ногиронлиги бўлган шахс деб тан олинган тақдирда, башарти пенсияни тўлаш тўхтатилганидан кейин беш йилдан ортиқ вақт ўтмаган бўлса, илгари тайинланган пенсияни тўлаш ногиронлик белгиланган кундан эътиборан янгитдан қайта тикланади. Агар беш йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса, пенсия умумий асосларда янгитдан тайинланади».

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4,

128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **45¹-модданинг тўртинчи қисмидаги** «ногиронларига» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **72-модданинг еттинчи қисмидаги** «ногиронлари» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **277-модда иккинчи қисми диспозициясининг «д» бандидаги** «ногирон» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахс» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10,

380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда) қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **29-модданинг иккинчи қисмидаги** «ногиронларига» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **51¹-модданинг номи** ва **биринчи қисмининг диспозицияси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«51¹-модда. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш

Ногиронлиги бўлган шахсларга бинолардан, иншоотлардан, транспортдан, ахборотдан ва алоқа воситаларидан, шу жумладан ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимларидан монеликсиз фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиш, шунингдек меҳмонхоналарнинг мулкдорлари томонидан умумий хоналар фондининг камида битта хонасини ўриндиқли аравачадан фойдаланадиган ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай тарзда жиҳозлаш бўйича талабларни бажармаганлик»;

3) **234-модда биринчи қисмининг диспозицияси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларининг мансабдор шахслари ногиронлиги бўлган шахс деб топилган барча қақирилувчилар ва ҳарбий хизматга мажбурлар тўғрисидаги маълумотларни, ногиронлик гуруҳидан қатъи назар, мудофаа ишлари органларига хабар қилмаганлиги».

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 161–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова; 1997 йил, № 2, 65-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 112, 124-моддалар, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9-10,

182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2009 йил, № 12, 470, 471-моддалар; 2010 йил, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда, № 10, 677-модда; 2019 йил, № 1, 3-модда, № 2, 47-модда, № 5, 261, 267-моддалар, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 9, 539-модда, № 10, 593, 595-моддалар, № 12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 797-модда, № 10, 973-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **6-модданинг иккинчи қисмидаги** «ногиронлар» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **52-модда иккинчи қисмининг тўққизинчи хатбошисидаги** «ногиронлар» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **68-модданинг:**

биринчи қисми бешинчи хатбошисидаги «ногиронларга» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «ногиронлар» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **103-модда иккинчи қисмининг 7-бандидаги** «ногиронларга» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **116-модда иккинчи қисмининг учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс деб топилган ходимлар (220-модданинг учинчи қисми)»;

6) **135-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «ногиронларига» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **143-модда учинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «ногиронларига» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **144-модда учинчи қисмининг:**

иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ўн тўрт ёшга тўлмаган битта ёки ундан ортиқ болани (ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган болани) тарбиялаётган ёлғиз ота, ёлғиз онага (бева эркаклар, бева аёллар, никоҳдан ажрашганлар, ёлғиз оналарга) ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига»;

учинчи хатбошисидаги «ногиронларига» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **150-модда иккинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «ногиронларига» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **165-модданинг биринчи қисмидаги** «тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси» деган сўзлар «тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **190-модданинг:**

иккинчи қисмидаги «тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси (ТМЭК)» деган сўзлар «тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «ногиронларга» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **192-модда учинчи қисмининг:**

иккинчи хатбошисидаги «ногирон» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахс» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошисидаги «белгиланган тартибда ногирон деб топилган шахслар» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахс» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **214-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «ногиронлар» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) **220-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«220-модда. Ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатини муҳофаза қилишнинг қўшимча чоралари

Иш берувчи белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан иш жойларига ишга жойлаштириш тартибда маҳаллий меҳнат органи томонидан йўлланган ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилиши шарт.

Тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясининг ногиронлиги бўлган шахсларга тўлиқсиз иш вақти режими ўрнатиш, уларнинг вазифасини камайитириш ва меҳнатнинг бошқа шартлари ҳақидаги тавсияларини бажариш иш берувчи учун мажбурийдир.

I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга меҳнатга ҳақ тўлаш камайитирилмаган ҳолда иш вақтининг ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланади.

I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ўттиз календарь кундан кам бўлмаган муддат билан йиллик узайтирилган асосий таътил берилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларни тунги вақтдаги ишларга, шунингдек иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилишга уларнинг розилиги билангина, башарти улар учун бундай ишлар тиббий тавсияларда тақиқланмаган бўлса, йўл қўйилади;

15) **228-модданинг матнидаги** «ногирон боласи» деган сўзлар «ногиронлиги бўлган боласи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) **229-модданинг матнидаги** «ногирон боласи» деган сўзлар «ногиронлиги бўлган боласи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) **230-модданинг матнидаги** «Ногирон боласини» деган сўзлар «Ногиронлиги бўлган боласини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) **231-модданинг иккинчи қисмидаги** «ногирон болани» де-

ган сўзлар «ногиронлиги бўлган болани» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

19) 232-модданинг:

номидаги «ногирон боласи» деган сўзлар «ногиронлиги бўлган боласи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмидаги «ногирон боласи» деган сўзлар «ногиронлиги бўлган боласи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «ногирон боласи» деган сўзлар «ногиронлиги бўлган боласи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) 290-модданинг биринчи хатбошисидаги «ногиронлари» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 3, 161, 166-моддалар, № 5, 267-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880, 886-моддалар; 2020 йил, № 1, 3, 4-моддалар, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 801 модда, № 10, 968-модда) қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) 1009-модда учинчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги «ногиронларга» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 1126-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«касалхоналар, госпиталлар, бошқа стационар даволаш муассасаларида даволанаётган ёки кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйларида яшаб турган фуқароларнинг ана шу касалхоналар, госпиталлар ва бошқа даволаш муассасаларининг бош врачлари, уларнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосарлари ёки навбатчи врачлари, шунингдек госпиталларнинг бошлиқлари, кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун

интернат уйларининг директорлари ёки бош врачлари томонидан тасдиқланган васиятномалари».

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган 226–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари тўғрисидаги низомнинг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 64-модда; 1997 йил, № 2, 64-модда; 1998 йил, № 5-6, 114-модда, № 9, 164-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2020 йил, № 12, 688-модда) **йигирма саккизинчи хатбошисидаги** «ногиронлар» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган **«Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»**ги 265–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 128-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 10, 473-модда; 2010 йил, № 5, 177-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 265, 267-моддалар, № 9, 589, 592-моддалар; 2020 йил, № 12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 797-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **6-модданинг ўн иккинчи хатбошисидаги** «ногиронлар» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **16-модданинг биринчи қисмидаги** «ногирон кишиларни» деган сўзлар «ногиронлиги бўлган шахсларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **22-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«22-модда. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари

Ногиронлиги бўлган шахслар, шу жумладан ногиронлиги бўлган болалар ва болаликдан ногиронлиги бўлган шахслар тиббий-ижтимоий ёрдам олиш, куч-қувватни тиклашнинг барча турларидан фойдаланиш, дори воситалари, протез-ортопедия мосламалари, ҳаракатланиш воситалари билан имтиёзли асосларда таъминланиш, шунингдек касбий тайёргарликдан ва қайта тайёргарликдан ўтиш ҳуқуқига эга.

Ногиронлиги бўлган шахслар давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида бепул тиббий-санитария ёрдамини олиш, уйда парвариш қилиниш ҳуқуқига, ўзгаларнинг парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган ёлғиз шахслар, сурункали руҳий ҳолати бузилган ногиронлиги бўлган шахслар эса ногиронлиги бўлган шахслар ва кексалар учун мўлжалланган интернат уйларида яшаш ҳуқуқига эга.

Ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тартиби ва уларга бериладиган имтиёзлар рўйхати қонунчиликда белгиланади»;

4) **36-модданинг учинчи қисмидаги** «тиббий-меҳнат эксперт комиссиясига» деган сўзлар «тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **37-модданинг:**

номи ва биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«37-модда. Тиббий-ижтимоий экспертиза

Текширувдан ўтказилаётган шахснинг клиник-функционал, ижтимоий, касбий-меҳнат ва психологик маълумотларини комплекс баҳолаш асосида унинг соғлиғи йўқолганлиги даражасини ҳамда организмнинг функциялари турғун бузилганлиги сабабли ҳаёт фаолияти чекланганлиги даражасини, ногиронлик гуруҳини, ногиронликнинг бошланиши сабаби ҳамда вақтини аниқлаш, шунингдек шахс учун соғлиғининг ҳолатига кўра мумкин бўлган меҳнат фаолияти турлари ва зарур меҳнат шароитлари, ўзгаларнинг парваришига, санаторий-курортда даволанишнинг тегишли турларига ҳамда ижтимоий ҳимояга бўлган эҳтиёжи тўғрисида тавсиялар бериш тиббий-ижтимоий экспертизадир»;

иккинчи қисмидаги «Тиббий-меҳнат экспертизасини» деган сўзлар «Тиббий-ижтимоий экспертизани» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «Тиббий-меҳнат экспертизасини» деган сўзлар «Тиббий-ижтимоий экспертизани» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган «**Шаҳар йўловчилар транспортдан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида**»ги 278–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 141-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 12, 470-модда) **1-моддасининг саккизинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ногиронлиги бўлган кўзи ожиз шахслар учун ва ногиронлиги бўлган кўзи ожиз шахсга сафарларда ҳамроҳлик қилувчи шахс учун сақлаб қолинсин».

14-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «**Нотариат тўғрисида**»ги 343–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 42-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2006 йил, № 9, 498-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда; 2020 йил, № 1, 3-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар) **26-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«касалхоналарда, госпиталларда, бошқа стационар даволаш муассасаларида даволанаётган ёки кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйларида яшаётган фуқароларнинг ушбу касалхоналар, госпиталлар ва бошқа даволаш муассасаларининг бош шифокорлари, уларнинг тиббиёт бўйича ўринбосарлари ёки навбатчи шифокорлари, шунингдек госпиталларнинг бошлиқлари, кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйларида директорлари ва бош шифокорлари томонидан тасдиқланган васиятномалари».

15-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган 409–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 6, 175-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 248-модда, № 9, 422-модда, № 12, 595-модда; 2008 йил, № 4, 187-модда, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 4, 136-модда, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 9, 334-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 10, 605-модда; 2019 йил, № 3, 165-модда, № 5, 267-модда, № 8, 469-модда, № 9, 588, 592-моддалар, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 6, 337-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 11, 1061-модда, № 12, 1193-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **75-модда тўртинчи қисмининг олтинчи хатбошисидаги** «ногиронлари» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **78-модданинг тўртинчи қисмидаги** «ногиронларининг» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **85-модданинг учинчи қисмидаги** «ногиронларига» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **88-модданинг тўртинчи қисмидаги** «ногиронлари» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **90-модданинг тўртинчи қисмидаги** «ногиронларига» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **92-модданинг учинчи қисмидаги** «ногиронларининг» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **100-модданинг иккинчи қисмидаги** «ногиронлари» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **109-модда ўнинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «ногиронлари» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **122-модданинг тўртинчи қисмидаги** «ногиронлари» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **133-модданинг иккинчи қисмидаги** «ногирон болалари» деган сўзлар «ногиронлиги бўлган болалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **173-модда:**

биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги «ногиронларига» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ногиронлиги бўлган шахслар ва кексалар ўз илтимосига кўра, кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйларига (пансионатларга) юборилади».

16-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган «**Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида**»ги 419–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 124-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 490-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **19-модданинг учинчи қисмидаги** «ногиронлар» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **21-модданинг бешинчи қисмидаги** «ногиронлар» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

17-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 607–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сонга илова; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 157-модда; 2008 йил, № 4, 189-модда; 2009 йил, № 9, 328-модда; 2010 йил, № 9, 334, 335-моддалар; 2011 йил, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 8, 469-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 199-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 970-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **105-модданинг биринчи қисмидаги** «ногирон» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахс» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **117-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Эр-хотин бир-бирига моддий ёрдам бериши шарт. Бундай ёрдам беришдан бош тортилган тақдирда, ёрдамга мухтож, меҳнатга лаёқатсиз эр ёки хотин, шунингдек хотин ҳомиладорлик даврида ва ўртада бола туғилган кундан эътиборан уч йил давомида, ўртадаги ногиронлиги бўлган болани у ўн саккиз ёшга тўлгунига қадар парваришлашни ёки болалиқдан I гуруҳ ногиронлиги бўлган ўртадаги болани парваришлашни амалга оширган, ёрдамга мухтож бўлган эр (хотин) ёрдам беришга қодир бўлган хотиндан (эрдан) суд тартибида таъминот (алимент) олиш ҳуқуқига эга»;

3) **118-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўртадаги ногиронлиги бўлган болани у ўн саккиз ёшга тўлгунига қадар парваришлашни ёки болаликдан I гуруҳ ногиронлиги бўлган болани парваришлашни амалга оширган, ёрдамга муҳтож бўлган собиқ хотин (эр)».

18-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилинган «**Фуқаро муҳофазаси тўғрисида**»ги 80–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 151-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, 4-сонга илова) **20-моддасининг учинчи қисмидаги** «ногиронлари» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

19-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 11 майда қабул қилинган «**Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида**»ги 215–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 5, 84-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 12, 470-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2017 йил, № 10, 605-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 9, 589-модда, № 11, 791-модда; 2020 йил, № 12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **11-моддасининг еттинчи қисмидаги** «ногирон» деган сўз «ногиронлиги бўлган бола» деган сўзлар билан алмаштирилсин.,

20-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган «**Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида**»ги 269–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 180-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 309-модда; 2009 йил, № 10, 381-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **27-моддаси биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «ногиронлар» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

21-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «**Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида**»ги 436–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 217-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 262-модда; 2008 йил, № 9, 481-модда, № 12, 630-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 9, 589-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил,

№ 8, 491-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 9, 905-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **21-модда иккинчи қисмининг 5-бандидаги** «ногирон хотини» деган сўзлар «ногиронлиги бўлган хотини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **45-модданинг олтинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари ногиронлиги бўлган шахс деб топилган ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар тўғрисида, уларнинг ногиронлик гуруҳидан қатъи назар, тегишли туман (шаҳар) мудофаа ишлари органларига етти кунлик муддат ичида маълум қилиши шарт».

22-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 2 майда қабул қилинган «**Ҳомийлик тўғрисида**»ги ЎРҚ–96-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 5, 218-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **4-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «ногиронларни» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

23-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январда қабул қилинган «**Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида**»ги ЎРҚ–139-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 1, 1-модда; 2009 йил, № 12, 471-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 12, 881-модда; 2020 йил, № 3, 199-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **3-модданинг:**

саккизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«ногиронлиги бўлган болалар»;

ўн еттинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ногиронлиги бўлган болалар(бола) — барқарор жисмоний, аклий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари мавжудлиги оқибатида ҳаёт фаолияти чекланганлиги муносабати билан давлат ва жамият томонидан ижтимоий ёрдам кўрсатилишига ҳамда ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишига муҳтож бўлган болалар (бола);

2) **24-модданинг иккинчи қисмидаги** «ногирон болаларни» деган сўзлар «ногиронлиги бўлган болаларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **25-модданинг учинчи қисмидаги** «ногирон болалар» деган сўзлар «ногиронлиги бўлган болаларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **28-модданинг:**

номидаги «Ногирон болалар» деган сўзлар «**Ногиронлиги бўлган болалар**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмидаги «Ногирон болалар» деган сўзлар «Ногиронлиги бўлган болалар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «Ногирон болалар» деган сўзлар «Ногиронлиги бўлган болалар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) 29-модданинг:

иккинчи қисмидаги «ногирон болалар» деган сўзлар «ногиронлиги бўлган болалар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «ногирон болаларнинг» деган сўзлар «ногиронлиги бўлган болаларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

24-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган «**Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–155-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 4, 191-модда; 2010 йил, № 9, 337-модда; 2011 йил, № 4, 99-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2020 йил, № 11, 652-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 803-модда) **13-моддаси биринчи қисмининг тўққизинчи хатбоши**си қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«ногиронлиги бўлган шахслар».

25-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 10 сентябрда қабул қилинган «**Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида**»-ги ЎРҚ–174-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 9, 480-модда; 2010 йил, № 9, 334-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) 5-модда:

биринчи қисмининг олтинчи хатбошидаги «тиббий-меҳнат эксперт комиссиясига» деган сўзлар «тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошидаги «тиббий-меҳнат эксперт комиссияси» деган сўзлар «тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 6-модда иккинчи қисмининг олтинчи хатбошидаги «тиббий-меҳнат эксперт комиссиясига» деган сўзлар «тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 11-модданинг учинчи қисмидаги «тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари» деган сўзлар «тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

26-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 16 апрелда қабул қилинган «**Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–210-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил,

№ 4, 137-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2019 йил, № 12, 880-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **3-модданинг саккизинчи хатбошисидаги** «тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси» деган сўзлар «тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **13-модда биринчи қисмининг еттинчи хатбошисидаги** «тиббий-меҳнат экспертиза комиссиясининг» деган сўзлар «тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

27-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 22 декабрда қабул қилинган «**Риэлторлик фаолияти тўғрисида**»ги ЎРҚ–269-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 12, 469-модда; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2019 йил, № 11, 792-модда; 2020 йил, № 1, 3-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда) **18-моддаси биринчи қисмининг тўққизинчи хатбошисидаги** «ногиронлар» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

28-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 29 сентябрда қабул қилинган «**Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида**»ги ЎРҚ–298-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 9, 251-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 8, 469-модда, № 9, 592-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 11, 1061-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **24-модданинг учинчи қисмидаги** «ногиронларига» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **28-модданинг иккинчи қисмидаги** «ногиронлари» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **38-модданинг учинчи қисмидаги** «ногиронларига» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

29-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 23 сентябрда қабул қилинган «**Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–353-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 9, 239-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 5, 261, 267-моддалар; 2021 йил, 4-сонга илова) **20-моддасининг иккинчи қисмидаги** «ногирон болалар» деган сўзлар «ногиронлиги бўлган болалар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

30-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–360-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, 12-сонга 1-илова; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 7, 431, 433-моддалар, № 12, 783-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 5, 265-модда, № 8, 470-модда, № 9, 588-модда, № 11, 791-модда, № 12, 884, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 203-модда, № 11, 652-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 7, 13-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 803, 804-моддалар, № 10, 973-модда, № 12, 1098-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **70-модда биринчи қисми 1-бандининг ўн биринчи хатбошисидаги** «ногиронларга» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **71-модда биринчи қисми 1-бандининг:**

тўртинчи хатбошисидаги «тиббий-меҳнат эксперт комиссияларини» деган сўзлар «тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари тасарруфидаги кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйлари, пансионатлари ва санаторийларини, ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш марказларини, бошқа муассасаларни сақлаб туриш харажатлари, шунингдек аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир мақсадли тадбирлар харажатлари»;

3) **177-модданинг саккизинчи хатбошисидаги** «тиббий-меҳнат эксперт комиссияларининг» деган сўзлар «тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

31-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 26 декабрда қабул қилинган «**Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида**»ги ЎРҚ–415-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 12, 382-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **номидаги «ногиронлар»** деган сўз «**ногиронлиги бўлган шахслар**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **1-модданинг матнидаги** «ногиронлар» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **6-модданинг учинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, ногиронлиги бўлган болалар».

32-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелда қабул қилинган «**Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида**»ги ЎРҚ–532-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 4, 198-модда; 2020 йил, № 9, 539-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **8-моддасининг учинчи қисмидаги** «ногирон» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

33-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 6 декабрда қабул қилинган «**Касаба уюшмалари тўғрисида**»ги ЎРҚ–588-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 12, 882-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **33-моддаси иккинчи қисмининг саккизинчи хатбошисидаги** «тиббий-меҳнат эксперт комиссияси» деган сўзлар «тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

34-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар, № 12, 1099-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **243-модда биринчи қисмининг 4-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4) протез-ортопедия буюмларини, ногиронлиги бўлган шахслар учун инвентарни, шу жумладан ушбу буюмлар ва инвентарни ишлаб чиқарувчилар томонидан реализация қилинадиган буюмлар ва инвентарни, шунингдек ногиронлиги бўлган шахсларга ортопедик протезлаш, ногиронлиги бўлган шахслар учун мўлжалланган протез-ортопедия буюмларини ва инвентарни таъмирлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш бўйича кўрсатиладиган хизматларни»;

2) **337-модда еттинчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «ногиронларнинг» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **369-модда иккинчи қисми 15-бандининг учинчи хатбошисидаги** «ногиронларни» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **380-модда биринчи қисмининг:**

2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2) уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек доираси қонунчилик билан белгиланадиган, уларга тенглаштирилган шахслар. Мазкур имтиёз уруш ногиронининг (қатнашчисининг) тегишли гувоҳномаси ёки мудофаа ишлари бўйича бўлимнинг ёхуд бошқа ваколатли органнинг маълумотномаси асосида, ногиронлиги бўлган бошқа шахсларга (қатнашчиларга) ногиронлиги бўлган шахснинг (қатнашчининг) имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномаси асосида берилади»;

3-бандидаги «тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг» деган сўзлар «тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **421-модда биринчи қисмининг 2-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2) уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек доираси қонунчилик билан белгиланадиган, уларга тенглаштирилган шахслар.

Ушбу имтиёз уруш ногиронининг (қатнашчисининг) тегишли гувоҳномаси ёки мудофаа ишлари бўйича бўлимнинг ёхуд бошқа ваколатли органнинг маълумотномаси асосида, ногиронлиги бўлган бошқа шахсларга (қатнашчиларга) ногиронлиги бўлган шахсининг (қатнашчисининг) имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномаси асосида берилади»;

6) **436-модда биринчи қисмининг:**

2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2) уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек доираси қонунчилик билан белгиланадиган, уларга тенглаштирилган шахслар. Ушбу имтиёз уруш ногиронининг (қатнашчисининг) тегишли гувоҳномаси ёки мудофаа ишлари бўйича бўлимнинг ёхуд бошқа ваколатли органнинг маълумотномаси асосида, ногиронлиги бўлган бошқа шахсларга (қатнашчиларга) ногиронлиги бўлган шахсининг (қатнашчисининг) имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномаси асосида берилади»;

3-бандидаги «тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг» деган сўзлар «тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4-бандидаги «ногирон боласи» деган сўзлар «ногиронлиги бўлган боласи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **467-модданин 14-позициясидаги** «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон Чернобилчилари» ассоциацияси бўлган ва умумий сонидан ногиронлар, уруш ва 1941 — 1945 йиллар меҳнат fronti ветеранлари 50 фоиздан кам бўлмаган ва ногиронлар, уруш ва 1941 — 1945 йиллар меҳнат fronti ветеранларининг» деган сўзлар «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон Чернобилчилари» ассоциацияси бўлган, умумий сонидан ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва 1941 — 1945 йиллар меҳнат fronti ветеранлари 50 фоиздан кам бўлмаган ва ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва 1941 — 1945 йиллар меҳнат fronti ветеранларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

35-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган «**Давлат божи тўғрисида**»ги ЎРҚ–600-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 968-модда) **15-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйларида яшовчи кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар».

36-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 октябрда қабул қилинган «**Аҳоли бандлиги тўғрисида**»ги ЎРҚ–642-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 10, 595-модда; 2021 йил, № 4, 287-модда, 4-сонга илова) **28-моддаси биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «тиббий-меҳнат эксперт комиссияси» деган сўзлар «тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

37-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 18 ноябрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида**»ги ЎРҚ–647-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 11, 653-модда) **35-моддасининг биринчи қисмидаги** «ногирон» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахс» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

38-модда. Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

39-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

40-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 9-моддасининг амал қилиши «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг янги Меҳнат кодекси кучга киргунига қадар сақланиб қолади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 17 май,
ЎРҚ–770-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

181 Тиббиёт муассасалари ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Давлат тиббиёт муассасалари ходимлари фаолияти самарадорлигини ошириш, юқори самарали меҳнатга интилиши учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ўз касбий даражасини ошириб боришдан манфаатдорлигини таъминлаш, шунингдек, 2022 йил 18 март куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан «Тиббиётдаги ислохотлар — инсон кадри учун» мавзусидаги очик мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Белгилансинки, 2022 йил 1 июндан бошлаб давлат тиббиёт муассасалари тиббиёт, фармацевтика ва бошқа ходимларининг ойлик лавозим маошлари:

олий ва биринчи малака тоифаларига эга бўлган тиббиёт ва фармацевтика ходимлари учун — 15 фоизга;

иккинчи малака тоифасига эга бўлган ва тоифага эга бўлмаган, шунингдек, бошқа тиббиёт ва фармацевтика ходимлари учун — 10 фоизга;

тиббиёт муассасаларининг бошқа ходимлари учун — 15 фоизга оширилади.

Бунда, тиббиёт муассасаси ходимларининг тариф ставкаларини ҳисоблаш амалдаги меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари бўйича тариф коэффициентларини тегишинча 1,15 ва 1,1 баробарга кўпайтириш орқали амалга оширилади.

2. 2022 йил 1 июндан бошлаб Тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасини (кейинги ўринларда — Жамғарма) шакллантириш учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар миқдори тиббиёт муассасаси учун ажратиладиган бюджет маблағларининг умумий ҳажмига нисбатан қуйидаги миқдорларда белгилансин:

бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари, шошилинич ва тез тиббий ёрдам хизмати, болалар тиббиёт муассасалари, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳамда ижтимоий касалликларга (сил, буйрак етишмовчилиги, онкологик, руҳий, наркологик, эндокрин, мохов (лепра), юқумли, жинсий йўл билан юқтириладиган, ОИТС) ихтисослашган тиббиёт муассасаларида — умумий харажатларнинг 10 фоизи;

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 18 майда эълон қилинган.

республика ва вилоят даражасидаги бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларида — умумий харажатларнинг 5 фоизи.

Белгилаб қўйилсинки, Жамғарма маблағларининг 75 фоизи гуруҳидан қатъи назар барча давлат тиббиёт муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришга, 25 фоизи — тиббиёт муассасасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, модернизация қилиш ҳамда таъмирлашга йўналтирилади.

Бунда:

ходимларни моддий рағбатлантиришга ажратилган маблағлар ҳисобидан давлат тиббиёт муассасасининг юқори малакали, алоҳида натижага эришган, ҳалол ва виждонан ишлаётган тиббиёт ҳамда фармацевтика ходимларига ойлик лавозим маошининг 100 фоизигача ҳамда бошқа ходимларга 75 фоизигача ойлик устамалар;

янги иш бошлаган салоҳиятли ёш шифокорларга 1 миллион сўмгача махсус ойлик устамалар;

оилавий шифокор пунктлари, оилавий поликлиникалар ва кўп тармоқли марказий поликлиникаларда кундузги стационар иш вақтини соат 20:00 гача узайтириш ҳисобига иккинчи сменада ишловчи шифокор ҳамда ҳамшираларга лавозим маошининг 30 фоизигача ойлик қўшимча устамалар тўлаб берилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Жамғарма маблағлари ҳисобидан тиббиёт муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини тасдиқласин.

3. Тиббиёт муассасаларида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхатга мувофиқ юқори технологик мураккаб операцияларни бажарган шифокор-хирурглар лавозим маошининг 25 фоизи миқдорда қўшимча устама жорий этилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда икки ҳафта муддатда юқори технологик мураккаб операциялар рўйхатини тасдиқласин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб даволаш-профилактика муассасаларининг ходимларига уларнинг тиббиёт соҳасидаги илмни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини инобатга олган ҳолда, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан фан доктори (Doctor of Science) илмий даражаси учун лавозим маошининг 60 фоизигача ва фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун лавозим маошининг 30 фоизигача миқдорда ҳар ойлик қўшимча ҳақ тўланади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси ва Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда даволаш-профилактика муассасаларининг илмий даражага эга бўлган ходимларига қўшимча ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини киритсин;

б) барча тиббиёт ходимлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан дастлабки ва даврий тиббий кўриқдан бепул ўтказилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда тиббиёт ходимларини тиббий кўриқдан ўтказиш билан боғлиқ харажатлар учун зарур маблағларни доимий равишда тиббиёт муассасаларининг харажатлар сметасида кўзда тутилишини таъминласин.

5. Белгилаб қўйилсинки, 2022 йил 1 июлдан бошлаб вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан, шунингдек, хорижий давлатлардан Қорақалпоғистон Республикасининг Тахтакўпир, Чимбой, Қораўзак, Бўзатов, Шуманай, Қўнғирот туманларига бориб ишловчи шифокорларнинг ойлик лавозим маошига дастлабки уч йил давомида 100 фоиз, Мўйноқ туманида эса 200 фоиз миқдорида қўшимча ҳар ойлик устама тўловлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланади.

Бунда, мазкур бандда кўрсатилган устамани олиш учун шифокор бошқа ҳудудда камида икки йил ишлаган ҳамда камида иккинчи даражали малака тоифасига эга бўлган бўлиши лозим.

6. Маданият вазирлиги, Кинематография агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан:

тиббиёт ходимларининг машаққатли ва шарафли фаолияти тасвирланган бадиий, сахна ва кино асарларини ҳамда сериалларни кўпайтирсин;

тиббиёт ходимларини йилда бир марта театр ва концерт томошаларига бепул олиб бориш тизимини ташкил этсин.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 1 июлга қадар тиббиёт муассасаларининг бошқа (бошқарув, техник ва хизмат кўрсатувчи) ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тариф разрядларини уларнинг иш стажи ва малака тоифасини инобатга олган ҳолда тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 майдаги «Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида»ги ПФ-6221-сон Фармонида марказий туман (шаҳар) шифохоналари ўрин фондининг бюджетдан ташқари ўрин фондига ўтказилиши белгиланган қисми учун Давлат бюджетидан молиялаштириш тартибини сақлаб қолиш ҳисобига эҳтиёждан келиб чиқиб (бундан шошилиш, болалар, юқумли касалликлар, туғуруқ ҳамда гемодиализ ўринлари мустасно), тор ихтисосликдаги неврология, кардиология ҳамда эндокринология ўринлари ташкил этилсин.

9. Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда мазкур Фармон билан белгиланган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун:

икки ой муддатда «2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

2023 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда зарур маблағлар кўзда тутилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим хужжатларига иловага* мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

11. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик хужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н. Тўйчиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 17 май,
ПФ-136-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

182 Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Сўнгги йилларда мамлакатимизда наркологик касалликларнинг олдини олиш, ташхислаш ва даволаш, уларга чалинган шахсларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилишни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика наркология маркази негизида Республика ихтисослаштирилган наркология илмий-амалий тиббиёт маркази ташкил этилиб, барча ҳудудларда унинг филиаллари фаолияти йўлга қўйилди ва аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш самарадорлиги оширилди.

Шу билан бирга, наркология хизматини малакали кадрлар билан таъминлаш, моддий-техника базасини яхшилаш, уни замонавий диагностика ва лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш, беморларни даволаш ва тиббий-

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

** Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 17 майда эълон қилинган.

ижтимоий реабилитация қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча чораларни кўриш зарур.

Наркологик касалликларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволашни янада такомиллаштириш, наркология хизматининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва кадрлар салоҳиятини ошириш, наркология муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш, соҳага ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали қоғозбозлик ва бюрократияни камайтириш мақсадида:

1. Қуйидагилар аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

наркологик касалликларнинг олдини олиш, уларни эрта ташхислаш, ва даволаш, беморларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилишнинг яхлит моделини жорий қилиш орқали аҳолига самарали наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини шакллантириш;

аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, наркология муассасаларининг нарколог-шифокорларга бўлган эҳтиёжини қондириш, уларнинг малакасини мунтазам равишда, шу жумладан хорижнинг етакчи клиникалари ва тиббиёт ташкилотларида ошириб бориш, наркология хизмати учун зарур бўлган ижтимоий ходим, тиббий психолог ва психотерапевтларни тайёрлаш;

наркология соҳасида фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотларни фаоллаштириш, наркологик касалликларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш, даволаш ва психоактив моддаларга қарам бўлиб қолган шахсларни реабилитация қилиш амалиётига замонавий методикалар ҳамда рақамли технологияларни кенг жорий этиш;

аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимининг самарали фаолиятини таъминловчи ҳуқуқий базани такомиллаштириш, наркология муассасалари бино ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш, шунингдек, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш орқали наркология хизматининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

2. Қуйидагилар:

2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикаси наркология хизматини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури 1-иловага* мувофиқ;

2022-2023 йилларда наркология муассасаларини тиббиёт ускуналари билан жиҳозлашнинг (қўшимча жиҳозлашнинг) асосий параметрлари 2-иловага* мувофиқ;

2022 йил якунига қадар наркологик беморларни ихтиёрий ва мажбурий даволаш учун наркология диспансерларида қўшимча ташкил этиладиган ўринлар фонди 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг наркологик касалликларга чалинган шахсларни мажбурий равишда даволаш тартибини такомиллаштириш юзасидан қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

* 1 — 3-иловалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

а) ички ишлар органларига ўз ташаббусига кўра наркологик касалликларга чалинган шахсларни мажбурий даволашга юбориш юзасидан ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштириш ҳуқуқини бериш;

б) 2023 йил 1 январдан бошлаб:

наркологик касалликларга чалинган шахсларни мажбурий даволашга юбориш бўйича барча тиббий текширувларни наркология диспансерларининг ўзида, зарур ҳолларда бошқа муассасаларда амалга ошириш;

наркология диспансерларидаги мавжуд койкалар ҳақидаги маълумотларни реал вақт режимида олиш имкониятини яратиш.

4. Ички ишлар вазирлиги ва Олий суднинг наркологик касалликларга чалинган шахсларни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги ишларни электрон тарзда судларга юбориш ва судлар томонидан уларни видеоконференцалоқа режимида кўриб чиқиш мумкинлиги ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

5. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев) Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов) билан биргаликда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан наркология диспансерлари ёки туман (шаҳар) даволаш-профилактика муассасаларига олиб келинган пробация назоратидаги шахсларни алкоғолли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари таъсирида ёки ўзгача тарзда маст ҳолатда эканлигини аниқлаш бўйича тиббий текширувдан ўтказиш тартибини жорий этсин.

6. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Шерматов) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев) билан ҳамкорликда наркология диспансерларидаги мавжуд бўш койкалар сони тўғрисида маълумотларни реал вақт режимида олиш имкониятини берувчи ахборот тизимини ишлаб чиқсин ҳамда Олий суд ва Ички ишлар вазирлигига ушбу тизимдан фойдаланиш имкониятини яратсин.

Белгилансинки:

мавжуд бўш койкалар, шунингдек, бўшаш эҳтимоли бўлган койкалар сони ҳақидаги маълумотлар ахборот тизимига наркология диспансерлари томонидан киритилади;

Республика ихтисослаштирилган наркология илмий-амалий тиббиёт маркази (кейинги ўринларда — Марказ) ва унинг ҳудудий филиалларида электрон тиббий ҳужжатлар айланишини амалга ошириш имконини берувчи ягона тиббий-ахборот тизими ишлаб чиқилади ҳамда амалиётга татбиқ қилинади.

7. 2023 йил 1 январдан бошлаб Марказ ва унинг ҳудудий филиалларининг амбулатор ва стационар бўлимларида 1 ставкадан фаолият кўрсатувчи тиббий психолог ёки психотерапевт лавозимлари жорий этилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев), Молия вазирлиги (Т. Ишметов) манфаатдор идоралар билан биргаликда уч ой муддатда мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, Марказ ва унинг филиаллари ходимларининг штат нормативларини қайта кўриб чиқсин.

8. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрининг туман (ша-

ҳар) тиббиёт бирлашмалари таркибида 4-иловага* мувофиқ камида 10 ўринли мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш туманлар-аро пунктларини (кейинги ўринларда — пунктлар) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев):

Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов) билан биргаликда бир ой муддатда алкогольли мастлик ҳолатида бўлиб, мустақил ҳаракатланиш қобилиятини йўқотган ёки қаердалигини аниқ англаб етмайдиган шахсларни (бундан алкогольдан оғир захарланиш ҳолатлари мустасно) пунктларга етказиш ва уларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартибини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда пунктларни тегишинча ҳудудий соғлиқни сақлаш тизими ташкилотларининг умумий ўринлар ва штат бирликлари доирасида ҳамда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ташкил этиш чораларини кўрсин.

Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов), Миллий гвардия (Р. Джураев) пунктларда ходимлар хавфсизлигини таъминлаш, кўриқлаш хизматини ташкил этиш ва видеокузатув мосламаларини ўрнатиш чораларини кўрсин.

9. Белгилансинки:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тегишли ҳокимликлар билан биргаликда наркология муассасаларининг бино ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 декабрдаги ПҚ-43-сон қарори талабларидан келиб чиқиб, ҳар йилги Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига соғлиқни сақлаш муассасаларини қуриш-таъмирлаш ишлари учун ажратилган маблағлар доирасида белгиланган тартибда киритиб боради;

наркология муассасаларининг ўринлар фондини белгилаш нормативини қайта кўриб чиқиш натижасида, наркологик беморларни мажбурий ва ихтиёрий даволаш учун қўшимча талаб этиладиган ўринларнинг 265 таси республика фтизиатрия ёрдами кўрсатиш тизимидаги сихатгоҳлардаги ўринларни мақбуллаштириш ҳисобидан амалга оширилади.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев):

Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов), Халқ таълими вазирлиги (Б. Саидов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошқулов), Ёшлар ишлари агентлиги (А. Саъдуллаев) билан ҳамкорликда аҳоли, айниқса, вояга етмаган ва ёшлар орасида психоактив моддалар истеъмол қилинишининг олдини олиш ва барвақт аниқлашга қаратилган профилактика тизимини ишлаб чиқсин ва амалиётга кенг жорий этсин;

манфаатдор идоралар билан биргаликда туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларининг штат нормативларини қайта кўриб чиқиб, шифокор-нарколог лавозимларининг штат меъёрлари бир штат бирлигидан кам бўлмаган миқдорда белгиланишини назарда тутсин;

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳар йили Марказ ва унинг ҳудудий филиалларидан шаффоф танлов асосида танлаб олинган 10 нафаргача шифокор мутахассисларни нуфузли хорижий наркология марказларида малака оширишга юборсин.

11. Молия вазирлиги (Ж. Аброев) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (О. Фазилкаримов) билан биргаликда 2022-2023 йилларда наркология муассасаларини тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш учун 32,5 миллиард сўм миқдоридаги маблағларни ажратиш чораларини кўрсин.

Бунда, мазкур харажатлар 2022 йилда соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилган маблағлар доирасида, 2023 йилда эса Давлат бюджети параметрларида соғлиқни сақлаш соҳасига қўшимча маблағлар ажратиш орқали қопланади.

12. Вазирлар Маҳкамаси мазкур қарорда белгиланган чора-тадбирлар бажарилишини ҳар чоракда танқидий муҳокама қилиб борсин ва камчиликларга йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан қатъий жавобгарлик чоралари кўрилишини таъминласин.

13. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев), Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов):

бир ой муддатда мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг «Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида»ги Қонунига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонун лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири Б.А. Мусаев, ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Ушбу қарорнинг ўз вақтида ижро этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н. Тўйчиев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Д.Б. Кадиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 16 май,
ПҚ-244-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ****183 Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
18 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2649-7*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 мартдаги ПФ-6191-сон «Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2021 йил 24 июлдаги ПФ-6269-сон «Давлат хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2022 йил 11 апрелдаги ПФ-102-сон «Тиббиётда хусусий сектор фаолиятига қўшимча қулайликлар яратиш ва соҳа ходимларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2014 йил 18 декабрдаги 21-сон буйруғи (рўйхат рақами 2649, 2015 йил 19 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 3-сон, 32-модда) билан тасдиқланган Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

Вазир**Б. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 11 май,
11-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 18 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирлиги 2022 йил
11 майдаги 11-сон буйруғига
ИЛОВА

**Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан
ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 4-банддаги «беш йил» деган сўзлар «уч йил» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 5-банддаги «етти йил» деган сўзлар «беш йил» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 6-банддаги «ўн йил» деган сўзлар «етти йил» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 22-бандда:

учинчи — бешинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

олтинчи — ўн бешинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи — ўн иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

еттинчи ва саккизинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

тўққизинчи — ўн иккинчи хатбошилар тегишли равишда еттинчи — ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Талабгорнинг никоҳ қайд этилганлиги, никоҳда турмаслиги ёки никоҳдан ажралганлиги тўғрисидаги маълумотлар (диплом ёки малака тоифаси олгандан сўнг фамилияси ўзгарган талабгорлар учун), тиббий ёки фармацевтик маълумоти тўғрисидаги диплом маълумотлари, шунингдек иш стажини тасдиқловчи маълумотлар «Электрон ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали доимий ишчи орган томонидан мустақил равишда сўраб олинади.»;

тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилар тегишли равишда ўнинчи ва ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

184 «2022 йил учун статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 19 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3334-1

Ўзбекистон Республикасининг «Расмий статистика тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 ноябрдаги ПҚ–20-сон «Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжаликларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 11 октябрдаги 10-мб-сон «2022 йил учун статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (рўйхат рақами 3334, 2021 йил 25 ноябрь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 25.11.2021 й., 10/21/3334/1096-сон) иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Б. БЕГАЛОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 20 апрель,
17-мб-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 19 майда эълон қилинган.

** Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ ХУЗУРИДАГИ
КАДАСТР АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

185 Кадастр йиғмажилдининг муқоваси ва таркибидаги электрон ахборот тизимида шаклландиган маълумотларнинг намунавий жадваллари, қайдномалари ва бланкалари шаклларини тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
20 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3369*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 июндаги 389-сон «Кўчмас мулк объектларига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш тартиби тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман**:

1. Кадастр йиғмажилдининг муқоваси ва таркибидаги электрон ахборот тизимида шаклландиган маълумотларнинг намунавий жадваллари, қайдномалари ва бланкалари шакллари иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

Ф. ПУЛАТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 21 апрель,
3-2022-сон

Келишилди:

Раис

Д. ВАХАБОВ

2022 йил 8 апрель

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 20 майда эълон қилинган.

** Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

186 «Давлатнинг ишончли вакиллари аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
20 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2610-2*

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги ЎРҚ-760-сон «Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ **буюраман:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2014 йил 20 июндаги 01/09-26/17-сон «Давлатнинг ишончли вакиллари аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2610, 2014 йил 14 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 33-сон, 427-модда);

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 17 июлдаги 01/29-10/18-сон «Давлатнинг ишончли вакиллари аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2610-1, 2017 йил 25 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 34-сон, 910-модда).

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 20 майда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга
киради.

Директор

А. ОРТИКОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 30 апрель,
01/11-08/17-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2022 йил 11 майдаги 11-сон «Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2022 йил 18 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2649-7.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2022 йил 20 апрелдаги 17-тб-сон ««2022 йил учун статистика ҳисоботи шакллари-ни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2022 йил 19 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3334-1.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги директорининг 2022 йил 21 апрелдаги 3-2022-сон «Кадастр йиғмажилдининг муқоваси ва таркибидаги электрон ахборот тизимида шаклланадиган маълумотларнинг намунавий жадваллари, қайдномалари ва бланкалари шакллари-ни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2022 йил 20 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3369.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2022 йил 30 апрелдаги 01/11-08/17-сон «Давлатнинг ишончли вакилларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2022 йил 20 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2610-2.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2014 йил 20 июндаги 01/09-26/17-сон «Давлатнинг ишончли вакилларини аттеста-

циядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2610, 2014 йил 14 август), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2610-1, 2017 йил 25 август).

2022 йил 20 майда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.